



halol.uz

## Зарурий эҳтиёжларни қондира оладиган бир жамиятда яшайдиган бир шахс ҳаромни қўлламайди

Инсоннинг фақат ўз ерида ва ўз ўлкасида егулик тополмаслиги ҳаромлар қўллаши учун бир зарурат бўла олмайди. Зеро? мусулмон ёхуд зиммий ўз жамиятида яшаган шахсларда заруратни қондира оладиган даражада озик-овқат захираси бор бўлгани тақдирда ҳаромни ейишга мажбур саналмайди. Чунки: Исломи жамоати бир вужуд ёхуд бир бирини тутиб турган соғлом бино каби, бир бирларининг дарди ташвишлари билан кизиккан, уларни баҳам кўрган бир жамият сифатида ажралмас бир бутунликни ташкил қилади.

Бу ўзаро ижтимоий ҳамкорлик ва ёрдамлар хусусида Исломи ҳуқуқчиларидан Ибн Ҳазм дейдики: "Мусулмон ва ё зиммий бир дўстининг кўлида захира озик-овқат бўла туриб ўлимтик ёхуд чўчка гўшти ейиши мумкин эмас. Чунки очни тўйдириш мол ва овқат эгаси учун фарздор... Бундай бир ҳолатда ўлимтик ёки чўчка гўшти ейишлик зарурат ва мажбурият ҳисобланмайди. Овқат эгаси ортиқча емакни ўз ихтиёри билан бермаса у ҳолда куч ишлатиб тортиб олиш мумкин. Агар ўлдирилса, ўлдирганнинг жазоси қасосдир.

Агар овқат сохиби ўлдирилса, Аллох таолонинг лаънатиға мустахик бўлади. Зеро бир хакни манъ этган ва Куръони Каримға кўра тажавузкорлар жумласига киради: "Агар улардан бирови иккинчисининг устиға тажаввуз килса, бас то (тажаввузкор тоифа) Аллохнинг амриға кайтгунича сизлар тажаввуз килган (тоифа) билан уришинглар!" (Хужурот сураси-9).

Хакни манъ этиб, ҳақдорға бермаган киши шариат чегарасидан чиккан ва хак сохиби бўлган биродарига тажаввуз килган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хазрати Абу Бакр Сиддик разияллоху анху закотни бермаганларға карши куч ишлатиб, уришган эди (Ибн Хазм).

Юсуф Каразовийнинг "Исламда ҳалол ва харом" китобидан  
Абу Муслим тайёрларди